

6

Зихи, тожинга гавхари кибриё,
Бу гавхардин офок топиб зиё.

Куёш чиккач, андоки иткай нужум
Кўрунмай, сен ўлгач аён, анбиё .

Уружунгда айнул якин ахлининг
Кўзига губоринг бўлиб тўтиё.

Куёшнинг шиои хутутин Масих,
Тўкуй олмайин хужранга бўрё.

Сенинг миллатингдин чу топиб шараф ,
Саодат либоси кийиб ашкиё.

Килиб тошу туфрогни олтунки, бор
Сенинг коргохингда бу кимё .

Санга уммат ўлмагни истаб русул,
Вале биз сарафроз ўлуб холиё.

Келиб сидкинг оллида сиддиклар,
Анингдекки, сиддику ахли риё.

Навоий нетар коба кавсайн, агар
Топа олса кошинг кеби икки ё.

7

Зихи, хилолинг ўлуб ой бошига тиги бало,
Бир олмасиз икки ёргои сену куёш масало.

Тугуб санга чу майи лутф сокийи рахмат,
Шафоатинг уруб икки жахон элига сало.

Рисолатинг дамидин шарь кўзгусига жило,
Сиёсатинг ўтидин куфр рохибига жало.

Хам ахли равзага фирдавс сенсизин чахи вайл,
Хам ахли вайл иши хажринг ўтида вовайло.

Хумор дофии бўлгайму сокийи кавсар,

Бу дайр ичинда майи ишк ичмаганга тўло.

Тилимда зикрингу кўнглумдадур хаёлинг, шукр
Ки, бори сенсиз эмас сухбатим халоу мало.

Навоий ўлди, баса хору паст хас янглиг,
Сенинг йўлунгда эса, бас, анга бу иззу ало.

39

Зихи айда макон топибки, йўк мумкин макон айда,
Етиб андаки, етмас аклу фахми хурдадон анда.

Киши бу навъ хилватни начук килгай тааккулким,
Хак анда мизбон бўлгай, хабиби мехмон анда.

Бу хилват розига номахрам ўлмаглик тарикинда,
Малак бўлгай хамон анда, башар бўлгай хамон анда.

Йирокгин анбиё арвохи сойир посбон янглиг,
Чу шах матлуб ила булгай, не махрам посбон анда.

Начукким, мехмонга тухфа чекмак расми давр, бўлгай
Улуска рахмати жовиди осори аён анда.

Макон бирла замондин сўрмаким, йўккुकда бор эрди
Замон янглиг макон анда, макон янглиг замон анда.

Нишон, эйким, тиларсен аклдин мундок нишонларни,
Нишон ким айткай, аки ўлса беному нишон анда.

Топиб максуд шабгарди самовий бу уружидин,
Еридин зарра бориб, кайтибон хуршидсон анда.

Илохий, ул шафиъ ўлганда эл журминки, афв эткунг,
Навоийни доги новмид килма ногахон анда.

92

Зихи, кўк бошига гардун хиромингнинг изидин тож,
Висолинг хилватида бир шабистон лайлатул меърож.

Шабистонинг аро сабухийлардин юз туман товус,
Гулистонинг аро куддуслардин юз туман дуррож.

Юзунг хуршидидин ул тун топиб хайли кавокиб нур,

Сочингнинг зулмати ул кеча тун рангини айлаб дож.

Рикобингда малойик хайлидин хар сари юз минг саф,
Солиб хар саф шаётин мулкига ягмо била торож.

Йўлунгда анбиё рухи мушарраф айлабон ўзни
Ва лекин илтифотингга бири мушток, ўни мухтож.

Бурокинг суръатидин хатти нуронийки расм айлаб,
Аён айлаб бу сайринда нубувват ахлига минхож.

Ўзин ўзлукдину кавнайн мулкидин килиб хориж,
Каю кавнайн мулки, ломакондин хам топиб ихрож.

Харими курб аро матлуб васлидин бўлуб махзуз,
Йўк андоқким, харими Каъба ичра зумраи хужжож.

Тилаб уммат гунохин хар неким истаб топиб бахшиш,
Зихи сойил, зихи бозил, зихи рифъат, зихи меърож.

Зихи шохеки, тун-кун жавхаридин соннъи хикмат,
Сенинг зотинг учун тузди бу тахти обнусу ож.

Игирди риштаи наътинг Навоий кўз учи бирла,
Агар боксанг, мутиъ ўлгай анга нассож ила саррож.

107

Садканг бўлубон урмок бу гунбади ахзар чарх,
Касрингга давр ургондек бир сабз кабутар чарх.

Сен шамъ, вале гардун фонуси хаёл эрди,
Урганда малак хайли тегрангда саросар чарх.

Чун юкори майл этти нуру азминг бўлди,
Хам нурда чарх ахтар, хам азмда ахтар чарх.

Шамъингга лаган бўлгач афлок малойикдин,
Парвоналар урдилар тегрангда мукаррар чарх.

Кўк хулласидин ёйиб атлас йўлунга анжум,
Анжум дуридин сочиб бошинг уза гавхар чарх.

Йўлунг изидин ўзни равшан килибон кавкаб,
Рахшинг нуридин кўзни хар дам килиб анвар чарх.

Кўйунгда Навоийга чарх урмоқ агар етса,
Бир доираи максуд ўлгуси анга хар чарх.

224

Не хадки айлагамен ёр дастбўси хавас,
Муяссар ўлса итининг аёгин ўпмак — бас.

Табиб бермади мухлик хароратимга сукун,
Ки, тез ўлур бу ўт, ар худ Масих урса нафас.

Кўзунг кўнгулни кабоб эгги, маёт агар этмас,
Танурдин киши кушка бўлурму, килса кафас.

Хаваси лабинг шакаридур чибиндек этса хаво,
Кўнгулдин ўлмади кам ҳеч бу хавою хавас.

Фирок ашкидин эл гофил ўлмасунки, килур
Кўзим орасида хар катра килмаганни Арас.

Насими хусн ёругга чу шавк шуъласини,
Эрур тенг ўртамакида хитойию чаркас.

Навоий ўлмади ровий хадисидин хушхол
Ки, бу хабибу анис айгур ул хабибу Анас.

280

Гар фано расмини килмоқ тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила рухни зинхорки килма махлут.

Рух ул нурдурурким, ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматка қолиб, килмиш анга поя хубут.

Рух раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига кўшмақ эмастур маршрут.

Рухга шева Калимулло ишин килмоқ фош,
Нафс фиръавнлик асбобини айлаб марбут.

Рухга дааъб Хабибулло иши ойини,
Нафс Бужахлик асбобини айлаб мабсут.

Ё раб, эт бизни хабибинг сифатига росих,
Айла Бужахл тарикин ичимиздин маскут.

Кил Навоийни хамул хат била, ё раб, озим
Ким, бирор ёнидин айрилди ўтуз олти хутут.

293

Кўзум ёшарди, аён бўлгач ул жамоли бадеъ,
Булўтка су тўлар ул дамки, бўлди фасли рабеъ.

Тасаввур этса кошинг токини кўнгул титрар,
Казо мухандиси баским чекибтур ани рафеъ.

Недин аёгинга тушкай бошингга эврлубон,
Куёш гар ўлмаса хусн ичра куллугунгга мутеъ.

Кошинг хаёли торикмай кўнгулда эврулсун,
Эрур чу кибланамо пўясига хукка васеъ.

Не навъ баркни дейким, буроки янглиг эрур
Ким, ул батийдуру музлим, бу бир муниру сареъ.

Навоий, уйла тирилким, уятдин ўлмагасен,
Агар Расул алайхис-салом бўлса шафеъ.

Килурни айла риоят демакда асра адаб
Ки, дўст феълингу кавлинггадур басиру самеъ.

338

Зихи секрибон чарх узра рахнавардинг,
Назар топмайин тўтиёликка гардинг.

Кўрунуб кавокиб риёхини шабнам,
Чу кўк гулшанига етиб тоза вардинг.

Ўчуб стти дўзах ўти, чунки уммат,
Гунохин тиларда чикиб охи сардинг.

Изингдин куёш чехра ёрутмагандин,
Килиб заъфарон кун узорини зардинг.

Раёхин аро сарви озод янглиг,
Кўрунуб русул хайлида зоти фардинг.

Русул сурмади ломакон узра маркаб,
Сен эрдинг бу майдондаким от чикардинг.

Навоий, набий наътидин жамъ килгил,
Паришон эса хоџири харзагардинг.

440

Юзунгким тозарокцур барги гулдин,
Учар кўздин вале чикмас кўнгулдин.

Куюб хажрингда кул бўлдим ва лекин
Ёруктур ишк миръоти бу кулдин.

Ажаб фархунда зоте сенки,
Одам Мубохот айлагай севдек ўгулдин.

Кулимен ишкингким, танламайдур
Мухаббат шевасида шахни кулдии.

Сироти мустаким ўлди шариат
Ки, жаннат топмогунг ўтмай бу пулдин.

Багоят хийлагардур золи гардун,
Агар эрсен, хазар килгил бу тулдин.

Тарики ишк ила боргил, Навоий
Ки, озди хар кишиким, чикш йўлдин.

443

Ул кони малохатда демон бор эди бир он,
“Лав танзур фи хуснихи-л-он камо кон”.

Ин ихгарака жисмий мин нори хавойих,
Куймаслиги хаснинг чокин етканда не имкон.

Ўлгум сусабон хажр биёбонида, рахм эт,
“Конат шафахак айн ул-хаёт ана атшон”.

“Ё куррата айна жиъ вархам бидумуъи”,
Ким килди бу селоб кўзум уйини вайрон.

Эй конки, кўзумдин окасен рахмки, ўлгум,
“Мин жайри дамил-айни лано хосилу ийкон”.

“Лав лам якунир-ройихати-л-манзили салмо”,
Юз катла банд манзилидин кетминг эди жон.

Хар важх ила гар ўлса Навоий не ажабким ,
“Мин кулли вужухин суфи важхика” хайрон.

575

Эй юзунг устида тер гулбарги узра шабнаме,
Лек хар бир катрадин бўлуб гулистон оламе.

Катрадин олам гулистон бўлмаги тонг йўкки, бор
Бахри рахмат оразинг богига тушкан шабнаме.

Гул не дин ер тутти эл бошида солу мсхрдек,
Топмамиш бўлса риёзингнинг шамимидин шаме.

Кўкка чун элтиб малак рахшинг губорин топмайин,
Зухра андок сурмаи, Кайвон анингдек парчаме.

Йўк ажаб, отингга гар мухри нубувват бўлса хатм,
Ким, нубувват халкасида йўк сенингдек хотае.

Сочкай эрди чашмаи хуршиддин хайвон суйи,
Хамдаминг бўлса эди Исои рухуллох даме.

Чун Навоий наътинг айтурга тилар бўлгай илм,
Не ажаб гар бўлса бот олимлар ичра аъламе.

650

Зихи йўлунгда бир афтода одами хокий,
Хавойи ишкингда саргашта мехри афлокий.

Уруж шоми чу бот кайтшнг бу армондин
Магарки, хар тонг ўлур субх жайбининг чоки.

Фалак навардинга хам шохи сидра, хам тубо,
Бу бир аёгида хас, ул йўлинда хошоки.

Мадинанг ахлига хар йилки, азм этар хужжож,
“Катабту киссата шавкию мадмаъи бокий”.

Не бўлди Ясрибу Батхо аро ўкусамким,
“Аё маиозилу салмо фаайиа салмоки”.

Сенинг мадойихи наътингда, ё Расулаллох,
Тамом бўлди Навоий такаллуми поки.

Бу тўрт дафтарида хамду наът аро халали,
Гар этмиш ўлса аён табъу килки бебоки.

Вале шафоатинг имкони кўнглига киргач,
Умид ила севунур яна табъи гамноки.

Етур анга караминг бахридин паёпай файз
Ки, наътинг ичра дурафшонлиг этсун идроки.